



ПОЭТИК ТАРЖИМАДА ЭКВИВАЛЕНТЛИК ВА АДЕКВАТЛИК ТУШУНЧАСИ

*Халимова Фируза Рустамовна,
СамДЧТИ катта илмий-ҳодим изланувчиси*

Калит сўзлар: ботиний гўзаллик, эстетик қиймат, муқобиллик, интерлингвокултурал, моддийлик, ритмико-интонацион воситалар.

Адабиётда юқори ўринни эгаллаган поэтик матн тузилиши ўзига хос мураккаб тизимни ташкил этади. Чунки поэтик матннинг яратилишида жуда кўплаб ғоявий ва бадий унсурлар иштирок этади. Жумладан, мавзу, ғоя, банд, нақорат, ритм, вазн, қофия, интонация, пауза, урғу, поэтик образлар, фонетик унсурлар, бадийсанъатлар, сюжет, тимсол, композиция, конфликт ва бошқалар унсурларнинг аниқ, ягона бир тизимга бирикувидан шеър пайдо бўлади. Шеърят ҳатто шоирлар ва шеър ёзишга қизиқувчиларга ҳам қийинчиликлар туғдириб келади. Шоирлик қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим бўлган таржимонга катта талаблар қўйилади. Унинг вазифаси - бир тарафдан тил нормаларини сақлаб қолиб, аслият матни билан таржима тилининг муқобиллигини яратиш бўлса, иккинчи томондан эса – асарнинг эмоционал-эстетик хусусиятини намоён этишдан иборатдир.

М. Лозинскийнинг аниқлашича, шеърый таржиманинг икки асосий тури мавжуд: қайта жойлаштириш (шаклни, мазмунни) ҳамда қайта яратиш – яъни шакл ва мазмунни аниқ ва тўлиқ акс этишида намоён бўлади. Айнан иккинчи тур мукамал саналиб, поэтик асар муаллифи яратган образни қайта яратиш асосида таржимон шоир ижодий жараёнида назарга олган ўша мазмунни ўқувчига етказа олади (Лозинский. 1987.82).

Аслида, шеърый таржимадан кузатиладиган мақсад бир тилда яратилган назмий обидани бошқа тил воситалари билан қайта яратишдан иборатдир, дейди Ғ.Саломов (Саломов,

Комилов. 1979. 5). Башарти, таржимода асл нусханинг барча зоҳирий белгиларига риоя қилинган: вазн, қофия, радиф, аллитерация ва “ҳоказо”лар айнан сақланган, ҳамма нарса “ўз жойида” бўлса-ю, бошқа тилда асарнинг ботиний гўзаллиги: эстетик қиймати, маъноси, шираси, таъсирчанлиги йўқолса бундай таржима аслиятга эквивалент бўла олмайди.

Бундан ташқари, поэтик матн таржимаси ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш жоизки, уларда аслиятга муқобилликнинг муҳим қонун-қоидалари мавжуд.

Маълумки, энг яхши таржима бу аслиятга энг яқин бўлган таржимадир. Бу ерда “яқин” деганда матн муқобиллиги эмас, балки “бадий адекватлик” назарда тутилади. С.Ф.Гончаренко, бунда аслиятнинг услубий хусусиятларини ҳамда ўзига хос шеърый тавсифини (вазн ва қофия) инобатга олиш лозимлигини таъкидлайди. Бадий адекватлик тушунчаси - аслият ва бу тил поэтик анъаналари ўртасидаги ўзаро муносабат адекватлигини қандай акс этса, таржимода ҳам таржима ва таржима тили анъаналари ўртасидаги муносабатни ўз ичига олмоғи лозим (Гончаренко. 1995. 58).

Таржимага оид поэтик матнлар мавжудлиги мақсади ҳақида С.Ф. Гончаренко савол бериб, ўзи қуйидагича жавоб беради: “балким, янада мураккаброқ коммуникатив жараённи - муаллиф ва ўзга тил ва маданият доирасида тарбияланган ўқувчи ўртасидаги руҳий мулоқотни амалга ошириш мақсадидадир”. Яъни поэтик таржима, тадқиқотчининг фикрига кўра,



интерлингвокултурал (ўзаро лингвомаданий), аниқроғи ҳатто –интерлингво-этно-психо-социо-културал мулоқот феномени (тушунчаси) сифатида қаралмоғи даркор. Шунинг учун бошқа маданият намояндалари шеърийнинг адекват талқини аслиятдаги шакл ва мазмун бирлиги бадийлигини қайта яратиш, қанчалик аниқ деталлар билан ифодаланишидан қатъи назар, жонсиз фотонусха ёки схема тарзида эмас, уни бутун бир тирик поэтик организм каби жаранглашини таъминлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда, поэтик таржима аслиятнинг тирик эгизаги бўлиши шарт, фаол равишда таржима тилида тўлақонли адабий жараёни қамраб олиши лозим. Шубҳасиз, бу мақсад сари – шеърийнинг мавжудлигига асос бўлган ушбу муҳим омилни сақлаш, яъни шеърийнинг ўзига хос қийматини сақлаш ва қайта яратиш учун таржимон иккинчи даражадаги деталларга яқинларини қурбон қилишига тўғри келади. Албатта, бунинг учун таржимон, биринчидан, шоирлик маҳоратига эга бўлмоғи, иккинчидан – маҳоратли филолог бўлмоғи шарт (Гончаренко. 2005).

П. Флоренскийнинг фикрича, поэтик таржима жараёнида бирон-бир нарсани сақлаш мақсадида бошқаларини қурбон қилишга тўғри келади, шунда асар чегараланишига нуқта қўйилади. Асар чегараланганлиги боис нутқнинг уч жиҳатини: мазмуни, грамматикаси ва товушини шу даражада қурбон қилиш керакки, бошқа тилда яратилган янги асар сифатида идеал шаклда шу халққа мос ўзга халқнинг руҳияти қайта яратилмоғи лозим (Гончаренко. 1988. 75).

Дарҳақиқат, таржима қалтис фаолият, унга қўл урган шахс таваккалчиликка йўл қўя олмайди. Таржима жараёнида қўлланилган амаллар доимий равишда назарий асосга эга бўлиши шарт. Таржима жараёнида нимадир йўқотилиши қайд этиб келинади, одатда. Лекин бундай йўқотиш матнга

қандай таъсир кўрсатишини билиш муҳим (Сафаров. 2016:6).

Модомики, поэтик таржима тиллараро мулоқот мақсадида хизмат қилар экан, у муаллиф томонидан аслиятда кўрсатилган барча маълумотларни таржима тилида максимал даражада етказа олиши шарт. Лекин С.Ф Гончаренконинг фикрига кўра, муаммо шундаки, лирик шеърийнинг информатив таркиби теранлиги жиҳатидан хилма-хил, қарама-қарши ва ҳаттоки парадоксалдир (Гончаренко. 1988. 100).

Поэтик матннинг информатив таркиби икки хил семантик информацияга эга: фактуал ва концептуал.

Фактуал-мазмунли информация, тадқиқотчининг аниқлашича, ташқи (реал ёки хаёлий) дунё ҳақида баъзи бир фактлар, воқеалар, ходисалар ҳақида маълумот бериб, “ўз сўзлари” орқали баён этилади. Бундай ахборотнинг роли, шак-шубҳасиз, каттадир – бусиз поэтик мулоқот амалга ошмайди. Бироқ шеърий дурдонасининг асосий вазифаси олам ҳақида қандайдир ахборот бериш эмас, балки шоирнинг ҳиссиёти ва эмоциясини тасвирлашдан иборат. Айнан шу сабабли фактуал ахборот вазифаси “моддийлик” узатувчиси ҳисобланиб, лирик коммуникациянинг ўзаги бўлган кўпроқ аҳамиятли, теран мазмундан иборатдир.

Концептуал-мазмунли ҳамда эстетик ахборот қоришмасидан иборат бўлган айнан шу коммуникативлик ядроси, поэтик таржимада биринчи навбатда ўз ўрнини эгаллаши шарт. Концептуал ва эстетик ахборот узатишда ҳар қандай бузилиш ёки йўқотиш таржимонлик хатоси ҳисобланади. Ва аксинча, ҳеч бир лирик матннинг поэтик таржимаси ахборотнинг ташқи қатламини қайта жойлаштириш ва қайта қуришсиз амалга оширилиб бўлмайди (Гончаренко. 1988. 102).

Шу билан боғлиқ А.А. Горбачевскийнинг фикрини олиш мумкин; у ҳам поэтик матнда ахборотнинг икки



турини аниқлаган – денотатив ёки ашёвий ва бадиий ёки поэтик. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бу турдаги ахборот алоҳида фрагмент сифатида изоҳнинг бир маънолиги ёки кўп маънолиги билан турли хил ёндашади. Денотатив мазмуннинг фарқли ўзига хос хусусияти унинг бир маънолигидадир, бадиий ахборот эса бир маъноли ёки кўп маъноли бўлиши мумкин (Горбачевский. 2001. 10).

Денотатив ахборотнинг таркиби, А.А.Горбачевскийнинг таъкидлашича, воқеа-ҳодиса, атроф-олам предметлари ва улар орасидаги муносабатдан иборат. Қоидага мувофиқ, бу шаклдаги маълумотни узатишда таржимон кийинчиликка учрамаслиги тайин, чунки предмет планининг асосий параметрлари барча тилларда мос келади ва унинг тўғри узатилиши аслият ва таржима ифодаси ўртасидаги ташқи ўхшашлигида кузатилади. Аслият ифодасидаги бирон-бир предмет ёки воқеани акс этадиган тушунча топилмаса, функционал эквивалентлардан фойдаланилади. Бу ҳолда тушунчанинг фақат мазмуни берилиб, унинг ўзига хос хусусиятлари акс этилмайди.

Поэтик ахборот муаллифнинг атроф-оламдаги предмет ва воқеа-ҳодисаларни субъектив тарзда идрок қилишини ўз ичига олади, тасвирга нисбатан унинг ҳиссиёт ва муносабатини тасвирлайди. Бунда таржимада ҳар хил даражада акс этилиши билан характерланган турли хил тил воситаларидан фойдаланилади. Бу турдаги ахборот таржима матнининг коммуникатив ядроси ҳисобланиб, таржимон аслиятга унинг такрорланмас қиёфасини тасвирлаган индивидуал усулларни умуман бошқа материал асосида ўхшатишига тўғри келади (Горбачевский. 2001. 10-11).

Поэтик аслият, Г.Р. Гачечиладзенинг фикрига кўра, шундай шартли бадиий воқеийликки, таржимада акс эттирилган, бироқ айна пайтда у ўзига хос поэтик мато кийиб олган. Шеърят

тузилиши табиий жиҳатдан – сўзларнинг ҳажми, урғуланиш характери, асрлар давомида ишланган, ўз навбатида халқнинг руҳияти билан боғлиқ бўлган рақс ва кўшиқлардаги ритми орқали тил табиати билан чамбарчас боғланган. Буларнинг бари, бошқа ўзига хос элементлар қатори, ҳар бир халқнинг шеърятда ёрқин миллий характери тасвирлайди, шеърятни жонли нутқ фонетикаси билан, синтаксис ва ритмик-интонацион воситаларининг ўзига хос муносабати билан чамбарчас боғлайди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, шеърятнинг умумий негизида айна тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан тафовутлар маълум бўлди. Ҳар хил тиллар шеърятини оддийгина қиёслаганда, нафақат тил материаллари ўртасидаги фарқлар, балки бутун ҳолда шеърят тузилиши тартиби ўртасидаги фарқларни кўриш мумкин. Кўп нарса сўзларнинг физик ҳажми ва жаранглаши каби ўзига хос хусусиятига боғлиқ (Гачечиладзе. 1988. 89-92).

Таржимонлик маҳорати асосан стилистик эквивалентларни танлашда аён бўлади. Услубни сақлаш – бутунлай муаммоли ва бажариб бўлмас шартдир. Бу соҳада асосан икки усулда иш олиб борилади.

а) аслиятдаги шакл бирлигини сақлаш йўли билан;

б) чет тили услубига хос муқобил шаклни топиш йўли билан.

Биринчи усул билан иш олиб бориш таржимага аниқлик кирита олмайди, чунки, ҳар бир тилнинг ўзига хос адабий анъаналари одатда иккинчи тил шакллари билан мос келмаслиги тайин. Иккинчи усул бўйича ўзга тил шакллари ўхшаш вариантлари билан алмаштириш мумкин. Аммо тил шакллари алмаштириш умумий мувофиқлик асосида олиб борилиши мумкин, стилистик турларнинг умумий мувофиқлиги эса индивидуал шароитга боғлиқдир. Бу реалликни тасвирлашнинг ўзига хос ҳолати: объектив



факт саналган аслият услуби, таржимада субъектив ҳолатда намоён бўлади.

Поэтик асарнинг товушлар тизими поэтик (эстетик) ахборот узатувчи ҳисобланиб, кундалик нутққа нисбатан

шеърият тилида энг муҳим саналади. Поэтик матннинг лингвофонетик таркиби шеърият тузилишида, таржимада товуш тузилишини қайта яратиш муаммосини кўриб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Гачечиладзе Г.Р. Стихосложение и поэтический перевод. - М.: Радуга, 1988. -235с.
2. Гончаренко С.Ф. Символическая звукопись: квазиморфема как «внутреннее слово» в процессе поэтической коммуникации. - М., 1995.
3. Гончаренко С.Ф. Стиховые структуры лирического текста и поэтический перевод. - М: Радуга, 1988. -235с.
4. Горбачевский, А.А. Оригинал и его отражение в тексте перевода: Монография. - Челябинск, 2001. - 202 с.
5. Лозинский М.Л. Искусство стихотворного перевода. - М.: Прогресс , 1987.-223с
6. Саломов Ф., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. - Т.: Ф. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.
7. Сафаров Ш. Тил. Маданият. Таржима ва мулоқот. Илмий-амалий анжуман материали. СамДЧТИ. 2016:6

Электрон манба:

1. Гончаренко С.Ф. Поэтический перевод и перевод поэзии. Электрон ресурс, 2005 // <http://orus.slavica/org/node/1734>

Халимова Ф. Понятия эквивалентности и адекватности в поэтическом переводе. Здесь внимание уделяется такому вопросу, как проблема переводимости; вводятся необходимые для исследования понятия «эквивалентности» и «адекватности» в переводе; определяются особенности перевода художественного текста и освещаются вопросы стихосложения.

Halimova F. The concepts of equivalence and adequacy in a poetic translation. Here the attention is paid to such notions, as problems of translation; concepts of "equivalence" and "adequacy" in translation, which are necessary for the research; defined the features of transferring of literary texts and problems of poetic constructions are enlighten.